2007 ЙИЛ, 25 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 186 (10.995) | Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЭТНИК КОРЕЙСЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШАЁТГАНИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАБРИГИ

*Қадрли дўстлар!*

*Мамлакатимизда истиқомат қилаётган корейс жамоатчилиги бугун, бошқа миллат ва элатлар билан биргаликда, этник корейсларнинг саховатли ўзбек заминида яшаётганининг 70 йиллигини кенг нишонламоқда.*

*ХХ асрнинг 30-йилларида рўй берган изтиробли воқеалар, яъни ўн минглаб корейслар оғир машаққат ва қийинчиликларни бошидан кечирганини, Узоқ Шарқдаги муқим яшаш жойларидан мажбуран Ўзбекистонга кўчирилганини эслар эканмиз, барчамиз аввало ачиниш ва қайғуриш туйғуларини ҳис этамиз.*

*Ўзбек халқи ўша даврдаги шафқатсиз қатағон шароитида ҳам ўзининг меҳр-шафқат, ҳамдардлик, меҳмондўстлик ва саховатпешалик каби хислатларини намоён этиб, кўчирилган корейсларни очиқ кўнгиллик билан қабул қилди, уларга дастлабки кунданоқ ҳар томонлама маънавий ва моддий ёрдам берди, ҳатто сўнгги бир бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўрди.*

*Корейсларга хос меҳнатсеварлик, тиришқоқлик ва ҳамжиҳатлик каби фазилатлар ушбу миллат вакилларининг мустаҳкам оёққа туриб олиши ва Ўзбекистоннинг муносиб фарзандлари қаторидан ўрин эгаллашида муҳим омил бўлди. Ўзига хос табиати, бой маданияти ва қадимий анъаналари билан ажралиб турадиган корейслар бу ерда ўзлари учун янги ватан топдилар. Мана етмиш йилдирки, улар ўзбеклар, Ўзбекистонни ўз Ватаним деб биладиган бошқа миллат ва элат вакиллари билан елкама-елка меҳнат қилиб, аҳил-иноқ, тинч-тотув яшаб келмоқдалар. Бугунги кунда юртимизда яшаётган икки юз мингдан зиёд корейслар жамоаси мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларида тенг ҳуқуқлилик асосида фаол иштирок этаётгани қувонарлидир.*

*Мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш ишига корейс юртдошларимиз ўз ютуқлари билан муносиб ҳисса қўшаётгани айниқса таҳсинга лойиқдир. Уларнинг ҳалол ва фидокорона меҳнатлари муносиб тақдирланиб, юзлаб корейс миллати вакиллари давлатимизнинг юксак мукофотларига, жумладан, Ўзбекистон Қаҳрамони фахрий унвонига сазовор бўлмоқда. Корейслар орасидан халқ депутатлари, давлат ва жамоат арбоблари, саноат, қишлоқ хўжалиги, хусусий тадбиркорлик соҳалари вакиллари, таниқли олимлар, маданият ва санъат намояндалари, машҳур спортчилар етишиб чиққанидан ҳаммамиз фахрланамиз.*

*Шубҳасиз, яқинда Ўзбекистон халқи 16 йиллигини кенг нишонлаган мустақиллик шарофати билан корейслар жамоаси ҳаётида ҳам улкан ўзгаришлар рўй берди. Истиқлол туфайли ушбу миллат вакилларининг ҳам анъана ва урф-одатларини қайта тиклаш, она тилини ўрганиш, ўзига хос ва серқирра маданиятини асраб-авайлаш ва ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.*

*Жумладан, 1992 йилдаёқ Ўзбекистонда Корея Республикаси Таълим маркази ташкил этилди. Бугунги кунда бу ерда ҳар йили 3,5 минг киши таълим олмоқда. Улар орасида корейслар билан бирга ўзбеклар, қозоқлар, руслар, татарлар ва бошқа миллат вакиллари ҳам бор. Бу бетакрор корейс маданиятига бўлган юксак ҳурмат ва катта қизиқишдан далолат беради. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги 130 дан ортиқ мактабда корейс тили ўқитилаётгани, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Самарқанд чет тиллар институти каби олий ўқув юртларида корейс тили ва адабиётини ўрганиш бўлимлари фаолият кўрсатаётгани ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир. Ўн йилдан буён рус ва корейс тилида “Корё Синмун” республика газетаси нашр этилмоқда.*

*Ўзбекистон корейс маданият марказлари ассоциацияси ҳузурида илмий-техник жамиятлар, ижодий ходимлар – шоирлар, ёзувчилар, рассомлар, мусиқачилар бирлашмаси, Ёшлар маркази, саҳна, бадиий, хонандалик, спорт ва бошқа бўлимлар фаолият кўрсатмоқда, Оқсоқоллар кенгаши ташкил этилган. Буларнинг барчаси корейс миллатининг бир пайтлар йўқотилган анъана ва маданияти нафақат қайта тикланаётгани, айни пайтда ривожланиб бораётганининг, корейслар жамоаси кўп миллатли Ўзбекистон халқлари орасида муносиб ўринга эга эканининг амалдаги ёрқин исботидир.*

*Фурсатдан фойдаланиб шуни таъкидламоқчиманки, бундан буён ҳам умумий уйимиз бўлган Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳамма миллат ва элат вакиллари қатори этник корейсларнинг ҳам миллий-маънавий ва маданий ўзига хослигини тўла намоён этиши учун, турмуш шароитини янада яхшилаш учун барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилаверади.*

*Муҳтарам ватандошлар!*

*Сизларни корейсларнинг Ўзбекистонда яшаётганининг 70 йиллиги билан яна бир бор табриклар эканман, Ватанимиз равнақи йўлидаги фаолиятингизда янгидан-янги зафарлар тилайман, барчангизга оилавий тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, бахт ва омад ёр бўлсин!*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## ЯГОНА ОИЛАДА, АҲИЛ-ИНОҚЛИКДА



**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ, ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ВА ПРЕЗИДЕНТ ДЕВОНИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ “ЎЗБЕКИСТОННИНГ 16 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ” МАВЗУИДАГИ МАЪРУЗАСИДА МАМЛАКАТИМИЗДА МИЛЛАТЛАР ВА ДИНЛАРАРО ТИНЧЛИК-ТОТУВЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ДОИР АНИҚ МАҚСАДГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИШЛАР ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРАЁТГАНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНДИ.**

Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида этник корейсларнинг Ўзбекистонда яшаётганининг 70 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Унга юртимизда истиқомат қилаётган турли миллий маданият марказлари, давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг этник корейслар Ўзбекистонда яшаётганининг 70 йиллиги нишонланиши муносабати билан табригини Бош вазирнинг ўринбосари Р.Азимов ўқиб эшиттирди.

Кечада мамлакатимизда турли миллат ва дин вакиллари азал-азалдан бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқликда яшаб келаётгани, Юртбошимиз раҳнамолигида миллатлараро ва динлараро тотувликни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида оғир қийинчиликларни бошидан кечириб, Ўзбекистонга мажбуран кўчириб келинган корейслар заминимизда ўзбекона бағрикенглик ва меҳмондўстлик билан қабул қилинди, уларга ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари билан бирга корейслар ҳам ҳамжиҳатлик ва аҳилликда яшаб, юрт равнақи, халқ фаровонлиги йўлида меҳнат қилмоқда.



— Ота-оналаримиз тақдир тақозоси билан бундан етмиш йил аввал Ўзбекистонга келиб қолган, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Хива шаҳридаги 20-Меҳрибонлик уйи директори Вера Пак. —Улар ўша даврдаги қийинчиликларни, бешафқат қатағонларни, оғир синовларни изтироб билан хотирлайди. Ўзбек халқи охирги бурда нонини ҳам биз билан баҳам кўрганини, бошпана берганини ҳеч қачон унутмаймиз. Ўзбекистонда бошқа миллатлар қатори корейс миллати вакилларининг ҳам таълим олиши, турли жабҳаларда меҳнат қилиши учун барча шароит яратилган. Эндиликда фарзандларим, невараларим истиқлолнинг саодатли неъматларидан баҳраманд бўлиб яшамоқдалар.

— Миллатлар ва динлараро тотувлик, бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва аҳиллик, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча халқлар миллий қадриятларига ҳурмат билан қараш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан экани таҳсинга лойиқдир, — дейди Корея Республикасидаги Корея — Ўзбекистон дўстлик уюшмаси раҳбари И.Кангду ЎзА мухбирига. — Юртингизда барча миллат вакиллари каби ўзбекистонлик корейсларнинг ҳам таълим олиши, меҳнат қилиши, саломатлигини тиклаши баробарида ўз миллий урф-одатлари, анъаналарини ривожлантириши учун барча шароит яратилганининг гувоҳи бўлдик.

— Мен Ўзбекистонда туғилиб, вояга етдим. Шу азиз заминни ўз Ватаним деб биламан, — дейди ўқитувчи Гликерия Ким. — Она юртимиз Ўзбекистоннинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, гуллаб-яшнаши йўлида фидокорона меҳнат қилиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

*(Давоми 2-бетда).*

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

● **КЕЧА** Ўзбек Миллий академик драма театрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши ҳамкорликларида иқтидорли ёшлар ўртасида ташкиллаштирилган «Келажак овози» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида бадиий ҳаваскорлик жамоалари,тўгараклар, ўқув курслари раҳбарлари иштирокида уюштирилган маънавий-маърифий давра суҳбати «Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсатидаги ўрни» деб номланди.

● **КЕЧА** шаҳримизда электр энергиясидан оқилона фойдаланиш ва уни тежаш масаласига бағишлаб ўтказилган анжуманда россиялик шу соҳа мутахассислари ҳам иштирок этишди.

● **БУГУНДАН** шаҳримизда иш бошлаган Халқаро ихтисослаштирилган энергетика кўргазмаси доирасида хорижлик мутахассислар билан ушбу соҳада икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга мўлжалланган шартномалар имзоланиши кўзда тутилмоқда.

● **ШАҲРИМИЗДА** бошланган ядро технологияларидан оқилона фойдаланиш масалаларига бағишланган халқаро анжуман **ЭРТАГА** якунланади.

● **АКЦИЯДОРЛИК** тижорат «Пахта» банки ўз мижозларига қулайлик яратиш мақсадида кредитлар беришни ҳамда янги омонат турларини йўлга қўйди.

● **НИЗОМИЙ** номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ҳамда Республика Халқ ижодиёти илмий методик маркази ҳамкорликларида шаҳримизда ёшлар иштирокида ўтказилган тадбир «Сен барибир муқаддассан, аёл» деб номланди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

## ЎЗБЕКИСТОН – СИНГАПУР БИЗНЕС-ФОРУМИ

**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИДА 24 СЕНТЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН-СИНГАПУР БИЗНЕС-ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда Сингапур Бизнес федерацияси ҳамкорлигида ташкил қилинган ушбу форум Ўзбекистон-Сингапур савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи савдо-иқтисодий алоқалар, молия, нефть-газ, қурилиш, машинасозлик, озиқ-овқат, кимё, енгил саноат, тўқимачилик, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари, транспорт ва транспорт коммуникациялари ҳамда сайёҳлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари Н.Нажимов икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасида барча соҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий ва гуманитар алоқаларни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Президент Ислом Каримовнинг жорий йилнинг январь ойида Сингапурга давлат ташрифи ўзаро алоқаларни янги босқичга олиб чиқди.

*(Давоми 2-бетда).*

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик, Халқ демократик ҳамда «Миллий тикланиш» демократик партиялари фракцияларининг кенгайтирилган йиғилишлари бўлиб ўтди.**

● **Кеча Тошкентда «Info Com-2007» ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги иш бошлади. Ҳафталик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан ташкил этилди.**

● **Тошкентдаги «Ренессанс» санъат галереясида «Буюк шаҳар ҳақидаги достонлар» мавзуидаги кўргазма иш бошлади. Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги ва Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган мазкур кўргазмада 35 га яқин рассом, қўли гул уста ва ҳунармандларнинг юздан ортиқ асарлари намойиш этилмоқда.**

● **Урганч туризм коллежида «Маҳалланинг мустақиллик шароитларида фуқаролик жамияти институти сифатида тан олиниши ва унинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳалардаги ролининг такомиллашуви» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

● **Термиз туманидаги «Паттакесар» маҳалласида қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Ушбу шифо масканини тиклашда «Термизсаноатбетон» МЧЖ бунёдкорлари фаоллик кўрсатишиб, 76 миллион сўмлик қурилиш-тиклаш ишлари бажарилди.**

● **Шовот тумани марказидаги Комилжон Отаниёзов номли маданият ва истироҳат боғининг амфитеатрида «Келажак овози» республика мега-танлови Хоразм вилояти босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

● **Москвада ўтказилган МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари рус тили ўқитувчиларининг халқаро кўрик-танловида Чортоқ туманидаги 17-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Асқарали Маматов ғолиб чиқиб, диплом ҳамда махсус соврин билан тақдирланди.**

● **Яқинлашиб келаётган Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан Жиззахда ўқув юртлари ўртасида 3 километр масофага югуриш мусобақаси ўтказилди. Унда Жиззах шаҳри ва туманидан 1000 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди.**

● **Фарғона вилоят онкология касалхонаси «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг бажарилиши доирасида 300 миллион сўмлик қийматга эга замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозланди.**

### ЖАҲОНДА

● **Кеча Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Вазирлар Маҳкамасининг янги таркибини тасдиқлади. Ўзгаришларга кўра учта янги вазир иш бошлаётган бўлиб, қўшимча равишда иккита давлат қўмитаси ташкил этилди.**

● **Кеча Афғонистоннинг Фарах музофотида амалга оширилган террорчилик ҳаракати натижасида испаниялик икки нафар ҳарбий ҳамда эронлик таржимон ҳаётдан кўз юмди. Ушбу террорчилик ҳаракатини амалга оширганликни Толибон ҳаракати ўз зиммасига олди.**

● **Кеча Мьянмада ҳарбийлар бошқараётган ҳукуматга қарши Будда руҳонийлари бошлаган норозилик чиқишлари кенгайиб кетиб, юз минг кишилик намойишга айланди. Намойишчилар мамлакат ҳукуматининг истеъфога чиқишини талаб қилмоқдалар. Ҳарбийлар намойишчиларга нисбатан кескин чора кўрилишини таъкидладилар.**

● **АҚШ Эронни Ироқдаги жангариларга замонавий қурол-яроғ етказиб бераётганликда айблади. Ироқдаги Америка қўмондонлигининг расмий вакили Марк Фокснинг сўзларига қараганда, коалиция кучлари жангариларига қарши ўтказаётган кенг кўламли ҳарбий амалиётлар чоғида бу маълумотни тасдиқловчи далилларни қўлга киритган.**

● **«Франс-пресс» ахборот агентлигининг хабарига кўра Польша маъмурияти жорий йилнинг 21 октябрь куни мамлакат сейми (парламенти) учун ўтказиладиган навбатдан ташқари сайловларга Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти кузатувчиларини таклиф этмоқчи эмас.**

● **Исроил ҳукумати муборак Рамазон ойи муносабати билан 90 нафар фаластинлик маҳбусни озод этиш тўғрисидаги қарорни тасдиқлади.**

● **АҚШнинг «Женерал Моторс» йирик автомобилсозлик компаниясининг ходимлари компания раҳбарияти ва касаба уюшмалари ўртасида чиққан келишмовчилик оқибатида кенг кўламда иш ташлаш акциясини амалга оширдилар. Унда компаниянинг 73 минг нафар ходими иштирок этмоқда.**

● **Косово пойтахти Приштинда кеча портлаш рўй берди. Натижада икки киши ҳаётдан кўз юмди, 11 нафар аҳоли турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Айни пайтда портлаш нима мақсадда амалга оширилгани ва унинг орқасида қандай кучлар тургани ҳақида маълумотлар йўқ.**

● **Жазоирнинг ғарбий қисмида бир неча кундан бери тўхтовсиз давом этаётган кучли ёмғирлар оқибатида сув тошқинлари юзага келди. Натижада транспорт қатнови издан чиқди, мактабларда ўқиш бекор қилинди.**

*Аёл борки, олам мунаввар*

# ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛЛАРИ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг саҳифаси

*Нишондорларимиз*

## ШОГИРДЛАРИ ҚАЛБ АРДОҒИДА

**ДУНЁДА ҲАР ҚАЙСИ КАСБ-ҲУНАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ, АҲАМИЯТИ ВА ҚИММАТИ БОР. АММО УЛАРНИНГ ОРАСИДА ЭНГ УЛУҒ ВА ШАРАФЛИСИ ЎҚИТУВЧИЛИК КАСБИ ДЕСАК, АДАШМАСАК КЕРАК. ЧУНКИ МУАЛЛИМ ҲАР БИР ИНСОНГА САБОҚ БЕРАДИ, АҚЛ-ИДРОКИНИ ЮКСАЛТИРАДИ, ҲАЁТ ИЛМИНИ ЎРГАТАДИ. ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ИНСТИТУТИНИНГ КАТТА ЎҚИТУВЧИСИ, ДОЦЕНТ ЗУҲРА ОЛИМЖОНОВА ҲАМ ЭЛЛИК ЙИЛДИРКИ АНА ШУ УЛУҒ ДАРГОҲДА ТАЛАБАЛАРГА САБОҚ БЕРИБ КЕЛМОҚДА.**



Мустақиллигимизнинг ўн олти йиллиги арафасида опанинг меҳнатлари муносиб тақдирланиб, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи» унвонига сазовор бўлди.

—Бу юксак унвон менинг машаққатли ва шарафли касбимга берилган олий мукофотдир,—дейди Зуҳра опа биз билан суҳбатда. —Шунча йиллик изланишларим, интилишларим бесамар кетмаганлигига яна бир бор амин бўлмоқдаман. Халқимиз ва юртбошимизнинг ғамхўрликларидан, севимли жамоамнинг эътиборидан жудаям мамнунман. Ўқитувчилик мартабаси устозлик шарафидир. Бугун замон ўзгарди, жаҳонда интернет даври бошланди. Ҳаётимизга компьютер техникаси жадал кириб келди. Бироқ техника қанчалик ривожланмасин, инсоният минг йилдан буён асраб-авайлаб келаётган муҳаббат, меҳр, одамийлик, ор, номус, ғурур, Ватан севгиси, она тили каби маънавий қадриятлар қуёшдек абадийдир. Шундай экан, биз муаллимлар юксак маънавиятли, эркин фикрли, истиқлол ғояларига фидойи, қалбида ватанпарварлик туйғулари жўш уриб турган ёшларни тарбиялашдек масъулиятли ишга янада масъулроқ бўлишимиз лозим. Айниқса уларни ўз соҳалари бўйича етук кадрлар қилиб етказиб беришга алоҳида аҳамият қаратмоғимиз керак. Мен ўтаётган умр йўлларимга назар ташлар эканман, минг бора шукроналар келтираман. Негаки ўз севган касбим туфайли обрў-эътибор орттирдим, кўплаб эл ардоғидаги санъаткор ва ижодкорлар менинг шогирдларим. Уларнинг ижодидаги ютуқлари мени ҳар доим руҳлантириб ва шодлантириб келган, улар билан ҳамиша фахрланаман. Демак бесамар, бемақсад яшамаяпман дея дилим таскин топади. Ахир яшашнинг моҳияти ҳам қизғин меҳнат билан маъноли-да. Истардимки, озод ва обод ватанимизнинг равнақи ана шу иқтидорли ёшлар билан янада юксалаверсин. Биз устозлар эса таълим доирасига асосланган илмни, одамийлик сабоғи ила бирлаштириб олиб бораверайлик...

Дарҳақиқат, ўзининг билим ва тажрибаси, истеъдод ва маҳорати, инсоний фазилатларини кўз нури ва қалб қўри, бутун борлиғи билан маърифат йўлига сарфлаётган устозларимиз ҳақида ҳар қанча ёзсак ҳам кам. Зуҳра опа Олимжонова 70 ёшни қаршилаш арафасидалар. Ушбу қутлуғ ёшда ҳам ёшларга билим беришдан чарчамаётган опага қараб ҳавасимиз келади. Зуҳра Олимжонова ўзи таълим бераётган институтнинг собиқ талабаси ҳисобланади. Асли тошкентлик бўлган опа институтни муваффақиятли тугаллаганидан сўнг илк фаолиятини ўз хоҳиши билан Қашқадарё вилояти театрларида бошлади. Ёшларга сабоқ бериш истаги унга бир дақиқа бўлсада тинчлик бермасди. Шу боис яна Тошкентга қайтиб келиб ўзи сабоқ олган институтда лаборантликдан иш бошлаб, бугунги кунда устоз даражасигача бўлган шарафли йўлни босиб ўтди. Уларнинг 30 дан ортиқ шогирдлари бугун эл ардоғидаги машҳур актёр ва қўшиқчилар бўлиб халқимизга самарали фаолият кўрсатаяптилар. Ғуломжон Ёқубов, Олимжон Салимов, Муножат Тешабоева, Соат Шарипов, Азиза Бегматова каби жуда кўплаб халқимиз севган санъаткорлар шулар жумласига киради.

Зуҳра опанинг ҳаёт йўллари доимо қўшалоқ байрамлар билан чамбарчас боғлиқлиги эътиборга лойиқдир. Ҳаётда ҳам эгизак бўлиб дунёга келган устознинг ўзлари ҳам эгизак фарзандларни тарбиялаб вояга етказдилар. Қўшалоқ тўйлар қилиб қўшалоқ набираларга буви бўлдилар. Энг қувончлиси набиралари Ҳилолахон ва Камола яқинда нуфузли олийгоҳларнинг талабалари бўлишди. — Бу ҳам бўлса худонинг иноятида, — дейди опа камтарлик билан. Уч фарзандни ўқимишли қилиб тарбиялаб, неваралар тарбиясига ҳам жиддий ёндашган Зуҳра Олимжонованинг ҳаёт йўллари барчамизга ибратли бир мактабдир.

**Гулчеҳра САТТОР қизи**

**СУРАТДА: Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Зуҳра Олимжонова шогирдлари даврасида.**

*Туманларда*

## ҚИЗЛАР ОДОБИ БИЛАН ГЎЗАЛ



**ЯҚИНДА ЧИЛОНЗОР ТУМАН ҲОКИМЛИГИДА ТУМАН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН «ҚИЗЛАР ОДОБИ БИЛАН ГЎЗАЛ» МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Тадбирни туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Муаттар Содиқова кириш сўзи билан очар экан, бугунги замон қизларининг кийиниш маданияти, ўзини тутиш одоби, миллий-урф одатларимизга, анъана ва қадриятларимизга бўлган эътиборни янада ошириш умум таълим мактабларида таҳсил олаётган юқори синф қизлари ўртасида олиб борилаётган тарбиявий ва маънавий тадбирларнинг самвияси ва натижалари хусусида сўзлади. Жумладан, ёш қизларимиз орасида авж олаётган кўр-кўрона модапарастликнинг олдини олиш, миллийлигимизни асраб-авайлаш чораларини кўриш кераклиги ҳақида ҳам таъкидлаб ўтди.

Шунингдек давра суҳбатида тумандаги маҳаллаларнинг фаол аёллари, мактаб ўқитувчилари ҳам сўзга чиқиб ўз фикр-мулоҳазаларини, таклиф ва фикрларини йиғилганлар билан ўртоқлашдилар.

Тадбир сўнгида ҳар ойда бир марта «Қизлар одоби билан гўзал» мавзуидаги тадбирни ўтказиб туриш ва унга тумандаги ҳар томонлама фахрланса арзийдиган доно, зукко қизларни таклиф қилиш ҳам режалаштирилди.

**Зарнигор ИБРАГИМОВА**



*Қатра*

## ФАРИШТАМ, САРИШТАМ, МЕҲРИБОН ОНАМ

Бугун тушларимда мен сизни кўрдим. Ёнгинангизда ёнма-ён юрдим. Аммо айтолмадим бирон оғиз сўз, дийдорингиздан ҳам сира узолмадим кўз. Талпиндим, тиззангизга ўқигим келди бош, термулдим, кўзларимга тўлиб кетди ёш. Ўкинчми, соғинчми, алам ё армон жонимдан ўтмоқда, жуда ҳам ёмон...

Сиз эдингиз меҳрибонгинам жонимга ачинган жонкуяргинам, тунлари ухламай парвона бўлган, вафотидан сўнг ҳам сира тинмаган, кўзларимга қараб дардимни билган, аммо ўз ғамини ҳеч билдирмаган фариштам, сариштам, топилмас онам. Узоқлардан келсада овозларингиз, гўё тушимдамас, ўнгимда, ёнгинамда, қулоқларимда жаранглаб янгради ҳар бир сўзингиз...

— Болажоним, болам, соғ-омонмисан? Бунча паришонсан, бунча ғамноксан, ҳатто тушларингда йиғлаб юрибсан, айт сен ахир кимлардан камсан? Чеҳрангдаги ғусса-ю ғамдан эзилиб, чўкиб кетмоқда менинг ҳам кўнглим. Дардларингни эшитсамда юпата олмасман, кўзларинг ёшини арта олмасман, бир бора бағримга боса олмасман, мен энди нетайин, нетайин болам, руҳим чирқирамоқда, бағрим куймоқда, оламни тутмоқда менинг ҳам нолам, сени қандайин овутай, оҳ жоним болам...Руҳим нотинч бўлмоқда бугун, айтгин юрагингда бор қандайин тугун? Айтақол бошгинангда қандайин ғавғо, ёки кимдир сени қилдими иғво, нечун сўлиб сарғайяпсан, айтгин болам недир муаммо? Юрагингга қулоқ сол қизим, ахир сен менинг ёруғ юлдузим, сирларини ҳеч сир бермаган, ўз билганидан сира қолмаган, дўст-душманин ажрата олмаган, қайсаргина нодон боламсан.

Бегона шаҳарларда бегонагинам, дийдоримга зорташнагинам биргина сирдоши йўқ, қайғудоши йўқ, аммо сабр қўрғони бор, бечора болам, дардини ҳеч кимга билдиргиси келмаган, ўзи билан ўзи оввора болам. Ҳадеб дардни, алам ва ғамни елкалайверма, ҳар бир нокас, каснинг гапини юрагингга ҳам олаверма. Ўйлайверма, турли хаёллар юрагингни адо қилади, дўстингман деб юрган душманингнинг оғзи қулоғига етади. Сен тириксан шунга шукр қил, ўйла болам, сўнгра фикр қил, тонготарда айтган сўзларим қулоғингга зикр қилиб ил. Даданг ва мен кўрмаган ёруғ кунларни, биз учун ҳам сен албатта кўр. Мен сени яна не деб юпатай бугун. Қаршингда турибман бир сўзсиз беун, забонсиз сўйлайман бир қара болам, ҳар қандай дардингга балогардонман, ташвишларингга ҳам шерикман, болам, ўзим олисман-у аммо аслида кўнглингда, кўзингда турибман болам, сен ҳам менинг жону-жаҳонимдасан. Қулоғимга етмасин десанг оҳ-нолам, руҳим эркин парвозини хоҳласанг тушингда ҳам ўнгингда ҳам йиғлама, зинҳор ўзимнинг жаҳоним саришта болам...

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

*Яхши дам — меҳнатга ҳамдам*

## ВАҚТИ БОРНИНГ — БАХТИ БОР

**ФРАНЦУЗ ОЛИМЛАРИНИНГ СТАТИСТИК МАЪЛУМОТЛАРИГА КЎРА, ИККИ БОЛАЛИ АЁЛ УЙДА ҲАР КУНИ 10 СОАТГАЧА ИШЛАР ЭКАН. ИНГЛИЗ РЕЖИССЁРЛАРИДАН БИРИ ЎЗИНИНГ УЧ БОЛАЛИ ХОТИНИНИ ЭРТАЛАБДАН КЕЧГАЧА КУЗАТИБ НИМА БИЛАН ШУҒУЛЛАНГАН БЎЛСА, ШУНИ СУРАТГА ОЛГАН.**

Суратга олиш тугагач, фильм плёнкасининг айланишини тезлаштирган. Натижада экранда таажжубланарли ҳодиса намоён бўлган. Аёлнинг жисмоний тарбия машқларига ўхшаш турли ҳаракатлари кўзга ташланган. Чунончи, аёл ўтирар, турар, энгашар, юрар, турли нарсаларни кўтарар, юқорига ва пастга қараб бошқа ҳаракатларни давом эттирарди. Бундан шу нарса аниқ бўлганки, аёлларнинг ҳар куни тўққиз соатдан ортиқ вақтлари уй юмушлари учун сарф бўлар экан.

Аёллар ишдан оилага қайтганларидан сўнг, оилаларида уларнинг иккинчи сменадаги ишлари бошланади. Аёл саккиз соат давомида давлат ишида ишлайди. Уй ишларига унинг ўртача 6 соат вақти кетади, баъзан ишга бориш ва ишдан қайтиш учун ҳам анча вақт кетади. Демак аёл қолган 8 соат вақт ичида дам олиши зарур. Шундай экан, аёл ўзининг вақтини тежаш мақсадида уй юмушларини оила аъзоларига тақсимлаб бериши лозимдир.

Эркаклар уй юмушлари ва ўзларига қарашлари учун ҳар ҳафтада 5 соат вақт сарфласалар, аёллар 20 соат сарф қилар эканлар. Социолог олимлар 9 минг эркак ва аёлларга анкета тарқатганлар. Маълум бўлишича, 100 та эркакдан 77 таси хотинининг ишламай уйда ўтиришини хоҳлар экан.

Ишлаб чиқаришда илғор, оилада нафосат эгаси бўлиш учун аёлларимиз кун ва тун режасига қатъий риоя қилсалар, «Вақтинг кетди, нақдинг кетди» қабилида иш кўриб вақт исрофгарчилигига чек қўйилса олам-олам вазифаларни адо этиш мумкиндир. Зеро бир дақиқанинг нақадар маҳсулдорлигини тажрибалардан кўриш мумкин.

Чунончи, бир дақиқада мамлакатимизда 200 тоннадан зиёд чўян, 280 тоннадан ортиқ пўлат, 200 тонна тайёр прокат ишлаб чиқарилади. 460 тонна темир рудаси қазиб олинади. Демак вақтни тежаш ҳар кимни яхши ишлашга ва яхши яшашга ундайди. Шунинг учун ҳам доно халқимиз вақти борнинг — бахти бор, — деб бежизга айтмаган.

**Тоҳир АБДУВАҲОБОВ,**
**Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтининг катта ўқитувчиси**

*Дастурхонингиз кўрки*

## ПАРАМАЧ

**КЕРАКЛИ МАҲСУЛОТЛАР: 2 СТАКАН УН, МАРГАРИН 150 ГР, 0,5 ЛИТР СУТ, ТУХУМ 2 ДОНА, 1 ОШ ҚОШИҚ ИСТЕЪМОЛ СОДАСИ, 1 ЧОЙ ҚОШИҚ СИРКА, ҚИЙМА 0,5 КГ, ПИЁЗ 3 ДОНА ТАЪБГА КЎРА ТУЗ ВА ЗИРАВОРЛАР.**

Сутга хамиртуруш солинади. Алоҳида идишда тухумга сода ва сирка, кетидан маргарин қўшилиб аралаштирилади. Ун солиб хамир қорилади. Хамир иссиқ жойга ошиш учун олиб қўйилади. Қийма тўғралган пиёз билан аралаштирилиб, туз қўшилади. Қиймага зираворларни таъбга қараб солинади. Ошган хамирдан тухумдек зувалачалар ясалади ва улар бир оз тиндирилгандан кейин озгина қийма солиб ўралади. Ўралган пайтда ўрта қисмда тешик қолдирилиши керак. Парамач қизиган ёғда, ўртадан пастроқ оловда қизаргунча қовурилади.

## «ОРОМ» САЛАТИ

**МАСАЛЛИҚЛАР: 100 ГР ГЎШТ, 2 ДОНА КАРТОШКА, 2 ДОНА ТУХУМ, 1 ТА БОДРИНГ, 2 ТА ПОМИДОР ВА БИР БОҒ КЎК ПИЁЗ, ҲАМДА ҚАТИҚ**

Гўшт, картошка, қизил сабзи, тухум, алоҳида сувда қайнатиб пиширилади. Масаллиқларнинг барчаси кубик шаклида тўғралади. Салат майонез билан эмас, қатиқ билан аралаштирилади. Салатга кўк пиёздан ташқари бошқа кўкатлар ҳам қўшиш мумкин. Қарабсизки иштаҳа очар салат дастурхонингизни безаб турибди.

*Санъат*

## «АЛАДДИН»НИНГ ЯНГИ СПЕКТАКЛЛАРИ

**РЕСПУБЛИКАМИЗ ТЕАТР ВА КОНЦЕРТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЯНГИ ИЖОДИЙ МАВСУМ БОШЛАНДИ. ТОШКЕНТДАГИ «АЛАДДИН» ТЕАТР-СТУДИЯСИ ҲАМ МАВСУМГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРДИ.**

Айни вақтда театр ҳузурида фаолият кўрсатаётган ёшлар ижодий маҳорат мактаби ҳам томошабинларга янги спектаклларни тақдим этиш тараддудини кўрмоқда.

«Кечки овқат» деб номланган комедия театр репертуаридан ўрин олди. Республикада хизмат кўрсатган артист Михаил Наменский томонидан постановка қилинган мазкур спектакль ижодий мавсумнинг дастлабки томошаси сифатида тақдим этилади.

## ТЕАТРНИНГ НАВБАТДАГИ ГАСТРОЛИ

**СВЕРДЛОВСК АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИНИНГ РЕСПУБЛИКАМИЗГА УЮШТИРГАН ГАСТРОЛИ ТОМОШАБИНЛАРДА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТДИ. РОССИЯДАГИ НУФУЗЛИ САНЪАТ КОШОНАСИ ҲИСОБЛАНГАН УШБУ ТЕАТР САҲНА УСТАЛАРИ ИЖОДИЙ САФАР УЧУН РЕПЕРТУАРИДАГИ ЭНГ ЯХШИ АСАРЛАРНИ ТАНЛАДИЛАР.**

«Фауст ҳамиша бирга» деган постановка ҳам мухлисларга манзур бўлди. «Катта ўғил», «Қам-кўстсиз эр» каби спектакллар томошабинларда завқ-шавқ уйғотди.

«Бальзаминовнинг уйланиши» комедияси ўз саҳнавий талқини билан ажралиб турди.

## УМРИ БОҚИЙ ОПЕРА

**БИРИНЧИ ЎЗБЕК КОМИК ОПЕРА АСАРИ СИФАТИДА САҲНА ЮЗИНИ КЎРГАН «МАЙСАРАНИНГ ИШИ» СПЕКТАКЛИ КЎПГИНА ИЖОДИЙ ЖАМОАЛАР ТОМОНИДАН ПОСТАНОВКА ҚИЛИНГАН. АТОҚЛИ БАСТАКОР СУЛАЙМОН ЮДАКОВНИНГ БУ АСАРИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИ ТОМОНИДАН ҚАЙТА САҲНАЛАШТИРИЛДИ.**

Театр ўзининг 78-ижодий мавсумини ана шу опера билан бошлади. Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳайдарали Қосимов режиссёрлигида тайёрланган бу спектаклдаги қатор саҳналар ҳам ўзига хос жозиба бахш этди.

«Майсаранинг иши» операси томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

**Акбар АЛИЕВ**

## КЎРГАЗМАДА — ВОЛЬС АСАРЛАРИ

**ПОЙТАХТДАГИ ТАСВИРИЙ САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИДА "ВОЛЬС. ФОТОГРАФИЯСИ – АКВАРЕЛЬ – НАШРЛИ ГРАФИКА" КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ. ТАДБИР ГЕРМАНИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ, ГЁТЕ ИНСТИТУТИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Ғарбнинг таниқли ва машҳур рассоми Вольс (ҳақиқий исми Альфред Отто Вольфганг Шульце) 1913 йил Берлинда туғилиб, 1951 йил Парижда вафот этган. Қисқа умр кўришига қарамай у жаҳонга машҳур асарлари билан ном қозонди.

– Вольс иккинчи жаҳон уруши йилларида ижод қилган, шунинг учун унинг асарлари вазмин, фалсафий маъно касб этиб томошабинни ҳаёт ҳақида ўйлашга ундайди, – дейди Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Матиас Майер. – Унинг асарлари ўз даврида тарғиб қилинмади, натижада рассом ҳаёти давомида улкан ютуқларни қўлга кирита олмади. Бироқ вафотидан сўнг унинг асарлари Европада машҳур бўлиб кетди.

Кўргазмада намойиш этилаётган асарларида қирқта оқ-қора суръатлар, ўн иккита акварель ва ўттиз учта гравюра ўрин олган бўлиб, уларнинг бари Париж сюрреалислар доирасининг таъсирида яратилган. Вольснинг суръатлари оддий кунларимизнинг кўринишлари, портретлари ва носоғлом натюрмортлари ўттизинчи йилларда яратилган. У график фикрлаб, асарларининг оддий бўлмаган параметрларида ёруғлик ва сояни, юза ва ҳошияларни тўғри усулларда қўллаган. Бир минг тўққиз юз қирқинчи йилларда Вольс ўз гравюраларини яратиб, улардан кўпчилиги Сартре, Артауда, Кафки ва бошқаларнинг китобларига иллюстрация сифатида ҳам қўлланилган. Бу асарларда у ҳайвонлар ва ўсимликларнинг тузилишини табиий тамойиллар асосида мавҳумий қайта ишлаган. Акварелларида эса ўз ҳис-ҳаяжонларини, чизиқларнинг вазмин ва кучайтирилган ҳаракати билан ифодалаган.

Кўргазма йигирма биринчи ноябрга қадар давом этади.

**Рустам ҲАЙДАРОВ,**
**"Туркистон-пресс"**

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## *Юсуф Хос Ҳожиб*

### ҲИКМАТЛАР

**Етим, тул, бева, кўр, чўлоқ ёки шол —
Ҳолидан ҳамиша бориб хабар ол.**

**Мана шу саноғим зўр тоат бўлар,
Бу тоат билан сўнг зўр роҳат бўлар.**

**Буларнинг барини қўйиб бир ўзинг,
Намоз, рўза билан ўтди кундузинг.**

**Жуда яхши деган киши афзали,
Кишига меҳрибон, феъли гўзали:**

**Киши эзгуси шу — ўз нафин қўйиб,
Бўлаклар нафини деса кўп куйиб.**

**Куйинчак бўлса эр, меҳри очилиб,
Эзгуликлар этса адолат қилиб.**

**Тирик инсон ўғли фойдали бўлса,
Фойдасиз кишилар яшамай ўлса.**

**Кишига наф берар киши эзгуси,
Киши эзгусидир эл-юрт кўзгуси.**

* * *

**Бошлиқ эзгу бўлса, бутун эл қут-саодат топади.**

* * *

**Оддий одамнинг нафи бир кишига тегади. Бошлиқ нафи эса эл-юрт учун бўлади.**

* * *

**Киши деб атарлар — қани ул киши,
Кишига наф берса, соз бўлса иши.**

**Эзгу шуки, элга наф берса фақат,
Бу наф билан эли тополса роҳат.**

**Эзгу бўлар халққа меҳрибон киши.**

* * *

**Киши эзгу эрдан эзгу йўл ўрганади.**

* * *

**Бутун ғойиб қардош кўрсатса кўзин.
Алам қисқа бўлар, севинчлар — узун.
Не кўркли бўлар, кўр киши айрилиб,
Саломат кўрсатса тағин ўз-ўзин.**

* * *

**Одам тирик бўлса, албатта тилагини топади. Тириклик тилак топиш учун бир тиргак.**

* * *

**Киши ўз тилагича йўл юрадиган бўлса, унга қайғу етмайди, чарчоқ босмайди.**

* * *

**Қайси ишда орзу-тилак етакчилик қилса, унга барча эшиклар очиқ бўлади.**

* * *

**Тилак билан юрилса, йироқ ер ҳам яқиндир.**

* * *

**Ёлғизлик — одамзод наслига бало,
Ёлғизликда дард ҳам озаймас асло.**

* * *

**Қардош ғамини қардош емаса, бошқалар бу ҳақда қачон бош қотиради?**

* * *

**Ёлғиз кишининг ҳеч нарсага қудрати етмайди.**

* * *

**Киши аввало ортиқча орзу-истаклардан ўзини чегаралаб олиши керак. Ҳою ҳавасларга эрк берилса, у тезда кишини мағлуб қилади. Ҳою ҳавасларни енгиш воситаси укув, ақлу идрокдир.**

* * *

**Боримдан эл фойда топмаса агар,
Яна кўрмагайлар йўғимдан зарар.**

* * *

**Фойда-зарар кўришга ёхуд яхши-ёмон бўлишга инсоннинг ўзи сабаб.**

* * *

**Кишиларга то наф беролсин киши,
Оти тирик бўлсин, мақтовли — иши.**

**Тириклик нишони, недир белгиси,
Кишига бўлмаса унинг эзгуси?!**

* * *

**Фарзандсиз десалар, бу — жуда оғир гап. Фарзандсиз кишилар тилда ҳам, дилда ҳам ўкинишади.**

* * *

**Отадан кейин кишининг фарзандлари қолса, уни тирик деб ҳисобла. Фарзандсиз киши оламдан ўтадиган бўлса, унинг уруғи қурийди, номи ҳам ўчиб кетади.**

* * *

**Оила қурган киши кеманинг ичига тушган одамга қиёс: кема денгиз ўртасига йўл олади. Ўғил-қизнинг туғилиши бу кемани бошқаришни қийинлаштиради. Энди кемачидан куч ва маҳорат талаб этилади.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**





# АСАЛ БАЙРАМИГА МАРҲАМАТ!

**ПОЙТАХТИМИЗ БОЗОРЛАРИДА "АСАЛ БАЙРАМИ" САВДО ЯРМАРКАСИ БОШЛАНДИ. У ЎЗБЕКИСТОН АСАЛАРИЧИЛАР УЮШМАСИ ТОМОНИДАН ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ КЎМАГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Ярмарқада Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар асаларичилар жамиятларининг аъзолари ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

—Ташкилотимизнинг қарийб икки юз нафар аъзоси бор, - дейди Тошкент шаҳар асаларичилар жамияти раҳбари Зокир Мирхўжаев. - Уларнинг ҳар бири ўртача 50-150 асалари оиласини парваришлаб, йилига салкам 200 тонна асал етиштиради. Асал байрами давомида пойтахтимиз аҳолисига ва меҳмонларига сифатли ва арзон асал маҳсулотларини етказиб берамиз.

— Бу йил асалимиз одатдагидан анча мўл бўлди, — дейди асаларичи Турсунхўжа Тожихўжаев. — Мавсум давомида Жиззах вилоятининг тоғли туманларида асалари парваришладик. Бугунги савдо-ярмаркага беш тонна асал олиб келдик.

"Асал байрами" 30 сентябргача давом этади.

**Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири**



# ЯНГИ ЎҚУВ КУРСИ

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯСИ УНИВЕРСИТЕТИДА «КУТУБХОНАДАН ВА ЭЛЕКТРОН РЕСУРСДАН ФОЙДАЛАНИШ» ДЕБ НОМЛАНГАН МАХСУС КУЧАЙТИРИЛГАН КУРС ОЧИЛДИ. УНГА ТЎҚСОН НАФАР ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ВА ТАЛАБА ҚАТНАЙ БОШЛАДИ.**

Курс Корея миллий кутубхонаси эксперти, доктор Хвичул Ким ҳамда Сеул университети профессори Хан-Янг томонидан тайёрланди.

Курсда талабалар илмий мақола ва диплом ишларини муҳокама қилишяпти. Шунингдек, кутубхонада электрон материал ва методик қўлланмалардан фойдаланиш йўл-йўриқларини ўрганишяпти. Ўқитувчи ва талабалардан ташкил топган алоҳида гуруҳ эса ўқув жараёнида электрон ресурслардан фойдаланишнинг замонавий усулларини ўрганяпти.

Мазкур ўқув БМТ Тараққиёт Дастурининг «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетининг Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлашдаги салоҳиятини янада ошириш» лойиҳаси доирасида амалга оширилипти. Бу лойиҳа таълим соҳасидаги халқаро стандартларга мос янги усулларни ўзлаштиришга қаратилгандир.

**"Туркистон-пресс"**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси**

Ўрта махсус ва олий юридик маълумотга эга бўлган фуқароларни суд ижрочиси лавозимига

**ТАНЛОВ АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

Танловда иштирок этиш истагини билдирган фуқаролар ўз номзодларини суд ижрочиси лавозимига захирага қўйишлари шарт. Суд ижрочиси лавозимига захирага қўйиш учун ҳудудий бошқарма бошлиғига ариза билан мурожаат қилишлари мумкин. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим; белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа ва таржимаи ҳол, нотариал тасдиқланган диплом нусхаси, соғлиғи ҳақида тиббий маълумотнома (086-у шаклида) фаолият кўрсатаётган иш жойидан (ўқиш жойидан) маълумотнома ва тавсифнома (агар охирги иш жойидан эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган бўлса, тегишли буйруқ нусхаси), 3х4 ўлчамдаги 4 дона фотосурат, ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат, иш берувчи томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчаси нусхаси (биринчи марта ишга қабул қилинаётган шахслар бундан мустасно), аризачи шахсини тасдиқловчи ҳужжат-паспортини шахсан кўрсатади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават. Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси.

Ҳужжатлар ҳафтанинг ҳар иш куни соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Қўшимча маълумотларни 142-16-86 ҳамда 142-80-29 телефонлари орқали олиш мумкин.

**2007 йил 31 августдан бошлаб 30 сентябрга қадар**



**Тошканбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат цирки Хадра майдони**

**2007-2008 ЙИЛГИ МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ**

**Бутун сентябрь ойида**

Шанба кунлари— 12.00, 15.00

Якшанба кунлари— 12.00, 15.00

Касса эрталабки соат 9 дан ишлайди. Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-35-94, 144-29-04



## *Футбол*

# КУЧЛАР ТЕНГ КЕЛДИ

**ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН XVI МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИ ОЛИЙ ЛИГАСИНИНГ ЙИГИРМА БИРИНЧИ ТУРИДА МУСОБАҚА ЖАДВАЛИНИНГ ЭНГ ЮҚОРИ ИККИ ПОҒОНАСИНИ ЭГАЛЛАБ ТУРГАН ПОЙТАХТ ВАКИЛЛАРИ - "ПАХТАКОР" ВА "ҚУРУВЧИ" ЎЗАРО КУЧ СИНАШДИ.**

Турнинг марказий учрашуви сифатида эътироф этилган мазкур баҳс кескин ва муросасиз курашлар остида ўтган бўлсада, учрашувда ҳисоб очилмади. Бунга сабаб ҳар икки жамоанинг ҳимоя чизиғи муваффақиятли ҳаракат қилганидир.

Шундай қилиб, чемпионатда пешқадамлик қилаётган пахтакорчилар "Қурувчи" билан ўртадаги етти очколик фарқни сақлаб қолди.

21-турда Тошкент шаҳрининг қолган вакилларидан "Трактор" жамоаси йирик ҳисобда ғалаба қозонди. Ўз майдонида Бекободнинг "Металлург" жамоасини қабул қилган пойтахтлик чарм тўп усталари Олим Навкаров ва Карлен Абрамовнинг иккитадан ва Азиз Тўхтабоевнинг бир голи эвазига 5:1 ҳисобида зафар қучди. Меҳмонларнинг ягона жавоб тўпини З.Абдуллаев киритди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Тўпаланг" (Сариосиё) - "Шўртан" (Ғузор)—2:0, "Бухоро" (Бухоро) — "Насаф" (Қарши)—1:0, "Навбаҳор" (Наманган) - "Андижон" (Андижон) 3:0, "Самарқанд — Динамо" (Самарқанд) — "Нефтчи" (Фарғона) 2:1, "Қизилқум" (Зарафшон) — "Вобкент" (Вобкент)—1:0, "Машъал" (Муборак)- "Локомотив"(Тошкент)—4:1

Мусобақа жадвалида 57 очко жамғарган «Пахтакор» пешқадамлик қилаётган бўлса иккинчи ўринда бораётган «Қурувчи» ҳисобида 50 очко бор. Навбатдаги ғалабасини нишонлаган «Машъал» футболчилари 48 очко билан учинчи ўринга чиқиб олишди.

**Баҳр БЕК**

# «02»: ҲОДИСАЛАР

●Сергели туманида, соат 21.30 да, ҳеч қаерда ишламайдиган, шу туманда истиқомат қилувчи 47 ёшли Бодренко, маст ҳолатда бўлиб, турмуш ўртоғи 40 ёшли Б.Светлана билан жанжаллашиб қолиб, ошхона пичоғи билан унга тажовуз қилмоқчи, тан жароҳати етказмоқчи бўлган. Қўрқувдан уйидан югуриб чиққан Светлана дарҳол қўшниларининг эшигини тақиллатиб, ёрдамга чақирган. Қўшниси 25 ёшли Тимур бу эр-хотинни тинчлантирмоқчи бўлганида, қўлида пичоқ билан дўқ-пўписа қилаётган Бодренко жон-жаҳди билан қўшниси Тимурнинг қорин қисмига бир неча бор уриб, тан жароҳати етказган. Жанжал сабабчиси бўлган Бодренкони, воқеа жойига етиб келган жиноят қидирув тезкор ходимлари ҳибсга олиб, Сергели Ички ишлар бошқармасига олиб келишган. Ҳозир унга нисбатан 104-модда, яъни «қасддан оғир тан жароҳати етказиш» моддаси билан жиноий иш қўзғатилди.

●Миробод туманида соат эрталаб 6.00 да, шу туманда яшовчи, ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган 19 ёшли Раҳимов ҳамда 20 ёшли Кварцовлар ўзаро жиноий тил бириктириб 48 ёшли фуқаро Маҳмудовнинг, уни уйида йўқлигидан фойдаланиб, эшигининг қулфини бузиб кириб, 150.000 сўмлик музлатгичини ўғирлаб кетишган. Миробод тумани ИИБ Жиноят қидирув тезкор ходимлари томонидан олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида ушбу ўғирликни содир қилган гумонланувчи бу шахслар далилий ашё билан қўлга олиндилар. Ва 169-модда, яъни «ўғирлик» бўйича жиноий иш қўзғатилган. Тергов давом этмоқда.

●Мирзо Улуғбек туманида кеч соат 6.00 да ҳеч қаерда ишламайдиган 37 ёшли Лигай, таниши 30 ёшли Сиддиқовнинг уйида ижарада яшаб туриб, уй эгаси йўқлигидан фойдаланиб уйидан музлатгичини, газ плитасини, биллур идишларини, қурилиш материалларини олиб кетиб, ғойиб бўлган. Мирзо Улуғбек туман ИИБ Жиноят қидирув тезкор ходимлари олиб борган қидирув тадбирлари натижасида гумонланувчи Лигай далилий ашёлар билан ҳибсга олинди. Унга нисбатан 169-модда «ўғирлик» бўйича жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

●Мирзо Улуғбек туманида Жиноят қидирув тезкор ходимлари томонидан, «гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни» аниқлаш ва ушбу жиноятларни содир қилаётган шахсларни ҳибсга олишга қаратилган тезкор тадбирлар, олиб борилган кузатувлар натижасида, деҳқон бозори ёнида, Тошкент вилоятида яшовчи, ишлаб чиқариш корхоналаридан бирида хизмат қилувчи 40 ёшли Темирбов Қашқадарё вилоятидан келган 4 ёшли фуқаро Абдиевга бир неча грамм героин моддасини сотаётган вақтда далилий ашё билан ҳибсга олиниб, дарҳол Мирзо Улуғбек туман Ички Ишлар бошқармасига олиб келинди. Ушбу заҳри қотил моддани қаердан олганлигини ва унга алоқадор бошқа шахсларни аниқлаш мақсадида, ушбу ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 273-модда, яъни гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар содир қилиш» бўйича жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Юлдуз АШИРОВА,
майор, Тошкент шаҳар
ИИББ Матбуот маркази катта
инспектори**

## *Биласизми?*

# ХОНАКИ ГУЛЛАРГА ЭЪТИБОР КЕРАК

**КЎПГИНА ХОНАДОНЛАРНИНГ УЙИ ИЧИДА ГУЛУ ЧЕЧАКЛАР, МАНЗАРА КАШФ ЭТУВЧИ ГИЁҲЛАР ЎСТИРИЛАДИ. УЙДАГИ НАБОТОТ НАМУНАЛАРИ ХОНАЛАРНИ НАФАҚАТ ФАРИШТАЛИ, ЖОЗИБАЛИ ҚИЛИБГИНА ҚОЛМАЙ, БАЛКИ ИСТИҚОМАТ ҚИЛИНАЁТГАН ХОНАЛАР ҲАВОСИНИ САФОБАХШ БЎЛИШИГА ЁРДАМ БЕРАДИ, КИСЛОРОД БИЛАН ТЎЙИНТИРАДИ.**

Ҳар бир маданий равишда ўстирилаётган наботот намунаси ўзига қолганда ниҳоятда «иззатталаб» бўлади. Агар сиз унга бепарво бўлиб номақбул қилиқлар қилсангиз, жазолашга тайёр туради.

Тўғриси, хонадонда ўстириладиган гулу чечаклар, шунингдек, манзара кашф этувчи ўсимликларни асосан аёллар парваришлайди, тупроғини юмшатади, озиқавий моддалар билан таъминлайди, суғоради, баргларини чанглардан тозалайди, кези келганда уларни кўпайтиришга шайланади. Эркаклар бўлса, кўпинча хона ўсимликларига лоқайдлик билан қарайдилар. Улар билган ёки билмаган ҳолда гулларга озор беришлари ҳам мумкин. Чунончи, кашанда эркаклар гулдонга тамаки кулини чертадилар, қаҳва қуйқасини, чой шамасини тўкадилар ва ҳоказо. Ўсимликда ҳам ўзига хос «фаросат» бор. У ким унга қандай муносабатда бўлади, кимдир унга нисбатан номақбул иш қилади—барчасига фаҳми етади. Шуниси борки, ўсимлик ёқтирмаган, ёмон кўрган одамига нисбатан «қўл кўтара олмайди». Унинг дарди-фиғони унсиз бўлади. Фақат ўзидан таъсирчан кимёвий моддалар ажратибгина ёмон кўрган кишидан «аламини» олиши мумкин.

Наботот ошуфталари томонидан ғалати ҳодиса қайд қилинди, баъзи қуманжир (кактус) намуналари ўзи ёқтирмаган кишини ўзидан алкалоид моддасини ажратиб пиёнистага айлантириб қўяр экан. Ўсимлик томонидан ҳавога ажратилган алкалоид модда кишини ичкиликка муккасидан кетишига сабабчи бўлади. Қуманжирдан «калтак еган» киши, ўзи билмаган ҳолда сармаст бўлиб юради, ичкиликка нисбатан мойиллиги ортиб бораверади.

Агар сиз хонадонингизда ўстирилаётган помидорга сув қуймасангиз, у сизни уйқусизликка мубтало қилар экан. Олимлардан Александр Беляевнинг берган маълумотларига қараганда, парвариш қилинаётган ўсимликка нисбатан «мажбурий» олишингиз лозим. Нафақат уни азизлаб, парваришлабгина эмас, балки ҳар куни у билан саломлашиш керак. Ўсимлик учун алоҳида жой ажратилиши лозим. Ўсимликни мутлақо ухлайдиган хонада сақламаслик керак. Ҳар ҳолда сиз билан бирга истиқомат қилувчи кишиларнинг ҳолатига разм соли туриш ҳам даркор, улар қандайдир нохуш кайфият содир бўлаяптими, қаров қаровда бўлган наботот намунасининг аҳволидан ҳам «хабар» олиш лозим бўлади.

**Маннон АБИЕВ**



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 806

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2049 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турли жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5

Топширилган вақти: 13.1